



O'ZBEKISTON OVOZI


ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

таълим модели барча мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади



Тошкентда 16-17 февраль кунлари «Юсак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққиёт этириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда кўплаб йирик халқаро ташкилотлар ва молия институтлари, жумладан, БМТ, Осий тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки вакиллари, Буюк Британия, Германия, Италия, Хитой, АҚШ, Жанубий Корея, Япония, Россия каби дунёнинг 48 давлатидан таълим тизими раҳбарлари, олимлар, мутахассислар иштирок этди.

Форум иштирокчилари Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилдилар.



Мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларидан барқарор авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ёшларимизнинг барқарор, замонавий билимларини пухта эгаллаган, буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари бўлиб вояга етиши йўлида доимий эътибор ва гамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ислох қилиш бўйича узқон кўзлаган дастурлар ички амалга оширилмоқда. Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури барқарор авлодни вояга етказиш, етук мутахассислар тайёрлаш, ёшларнинг пухта билим олиши, иқтидорини тўла намоён этиши, қобилиятини юзага чиқариши, жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётган. Зеро, давлатимиз раҳбари ёшларнинг таълим-тарбияси ва профессионал тайёргарлик даражаси бизнинг келажагимизни, демократик ва иқтисодий тараққиётимизнинг тақдирини ҳал этишини доимо таъкидлаб келади. Шу маънода, ёшларга мамлакатимизни ислох этиши ва янгилаш бўйича белгилаб олган юсак мақсадларимизга эришиш йўлида ҳал қилувчи куч, таянч ва суянч сифатида қаралмоқда.

— Мазкур халқаро анжуман юсак савияда ташкил этилганини ва барча иштирокчилар учун гоят фойдали бўлганини таъкидламоқчиман, — деди **БМТ Бош қотиббинги ўринбосари Нойлин Хейзер хоним**. — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг халқаро конференцияда иштирок этиши ва нутқ сўзлаши ушбу йирик анжуманнинг нуфузини янада оширди. Юртингизда таълим соҳасида улкан ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлдим. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида ёшларнинг замонавий технологиялар бўйича билим олиши учун яратилган шарт-шароитларни кўрдим. Бугунги замонда ахборот технологияларининг ҳаётимиздаги ўрни ва роли ошиб бораётганини эътиборга олак, мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини гоят оқилона ёндашувдир ва бу ўзининг юсак самараларини бермоқда. Ўзбекистонга ташрифим давомида дунёга машҳур Самарқанд шаҳрини зиёрат қилиш, бу ердаги тарихий обидаларни кўриш имкониятига эга бўлганимдан гоят бахтиёрман. Самарқанд тасаввур қилганимдан ҳам гўзал ва мафтункор экан.

Халқаро таълим бўйича Америка кенгаши президенти Дэн Дэвидсоннинг (АҚШ) фикрича, бугунги кунда таълим тизимини ривожлантириш, иқтидорли талабалар сафини кенгайтириш, профессионал-маҳоратли кадрларни етиштириш жаҳоннинг барча мамлакатлари учун бирдек долзарбдир.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг халқаро анжуманнинг очилишидаги нутқи мамлакатимиз таълим тизимида эришилган му-

вафқиятлар, пухта ишлаб чиқилган таълим моделига оид фойдали маслаҳатларни қамраб олгани билан форумнинг барча иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди, — деди Дэн Дэвидсон. — Ўзбекистонда ишлаб чиқилган ва муваффақиятли татбиқ этилаётган ушбу таълим модели барча мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Халқаро конференция иштирокчилари Самарқанд шаҳридаги қатор таълим муассасаларида, жумладан, Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей, Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиали, 1-болалар музыка ва санъат мактабига бўлиб, ўқувчилар ва талабалар учун яратилган шарт-шароит билан танишдилар. Дарс жараёнида иштирок этиб, Самарқанд ёшлари билан бевосита мулоқотда бўлдилар.

— Шинам ва ёруғ хоналарда тахсил олаётган ёшларнинг ақл ва заковатига ҳавас қилмасдан илож йўқ, — дейди **Халқаро ислон университети ректори, профессор Залеҳа Камарудин хоним (Малайзия)**. — Ўзбекистоннинг нафақат пойтахтида, балки барча худудларида халқаро стандартларга жавоб берадиган таълим муассасалари ва сифатли ўқув тизими мавжудлигини алоҳида қайд этишни истардим. Ўзбекистон раҳбари Ислон Каримов ташаббуси билан юртингизда қадимий обидаларни тиклаш, таъмирлаш ва асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ҳам юсак эътироф ва тахсинга лойиқдир. Ўзбекистоннинг икки бетақор шаҳри — Тошкент ва Самарқанд ўртасида қатнаётган «Afrosiyob» теъзор элекропоезиди йўловчиларидан бири бўлганимдан мамнунман. Ушбу замонавий, қўлай, йўловчилар учун барча шароитлар муҳайё этилган поезди юртингизда барча соҳалари каби темир йўл тизими ҳам илҳом ривожланаётганидан далолатдир.

Президентимиз Ислон Каримовнинг болалар музыка ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурига оид қарорни ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ва жаҳон музыка маданиятининг энг сара намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлаётган. Самарқанд шаҳридаги 1-болалар музыка ва санъат мактаби бошланғич ихтисослаштирилган музыка таълимини ривожлантириш ҳамда шу асосда музыка маданияти ва санъат соҳасида юқори маҳоратли кадрлар тайёрлаш борасида муваффақиятли фаолият олиб бормоқда.

— Мазкур мактабда тахсил олаётган ўқувчиларнинг санъатга меҳри, қўшиқ айтиш санъати ва турли музыка асбобларида гўзал куйларни маромига етказиб ижро этиш қобилияти мени ҳайратга солди, — деди **Лас Вегас университети маъмурий департамент директори Керри Трентам хоним (АҚШ)**. — Мамлакатимизда илк марта келишим. Ташрифим асосида қадимий Самарқандни кўриш, тилларда дoston мёъморий обидалар ва бебаҳо тарихий ёдгорликларни, муқаддас қадамжоларни зиёрат қилиш имконига эга бўлганимдан бениҳоя бахтиёрман. Айниқса, Улуғбек расадхонаси ва Регистон мажмуаси менда унутилмас таассурот қолдирди. Шаҳардаги замонавий иншоотлар халқингизнинг бунёдкорлик салоҳиятини яққол намоён этиб турибди.

Ташриф доирасида меҳмонлар Самарқанд ва Бухоронинг кўплаб диққатга сазовор жойларида бўлиб, қадим шаҳарларимизда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

ЎзА

Биздан озод ва обод Ватан қолсин!



Суратда: Мадина Азаматова акаси Зоҳиджон билан.

ПРЕЗИДЕНТ ОРЗУСИДАГИ ҚИШЛОҚ УЙЛАРИ

Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлашнинг жаҳон тажрибасида кузатилмаган янги модели яратилди



ЎЗХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ЖИПСЛИГИ

қуйи бўгин мустаҳкамлигини таъминлайди

■ Яккасарой туманида 100 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритади. Туман партия кенгаши қуйи бўгин партиянинг асосий таянчи эканини ҳисобга олиб, бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтиришга ҳаракат қилмоқда. Уларнинг ҳар бири туман кенгаши билан мустаҳкам алоқада.

— Партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини амалга оширишда бошланғич ташкилотларга суянамиз, — дейди **Ўзбекистон туман партия кенгаши раиси Нурмухаммад Қаршиев**. — Бунинг учун бошланғич ташкилот раиси фаол, ташаббускор ва жонқуяр бўлиши зарур. Партия аъзолари ҳам етакчи қўлаб-қувватлаши, ҳар бир ишда ёнма-ён туриши жуда муҳим. Шунда қуйи бўгин катта кучга айланади. Худудимизда турли қорхона ва идоралар, тиббиёт муассасаларида партияимиз қуйи ташкилоти фаолият юритади. Улар партиянинг ҳаракат дастурида белгиланган вазифаларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу борада, айниқса, Республика қон қуйиш марказидаги ЎЗХДП бошланғич партия ташкилоти олиб бораётган ишларда фаол иштирок этади. Муассасада бўлиб, у ердаги партия аъзоларининг иш фаолияти

билан танишар эканмиз, туман кенгаши раисининг сўзлари тўғри эканига гувоҳ бўлдик. — Ходимларимизнинг кўпчилиги ЎЗХДПга хайрихоҳ ва тарафдор, — дейди **марказ бош шифокори, бошланғич партия ташкилоти раиси Аълонур Саидов**. — Улар билан йиғилишлар ўтказиб, партия дастурий вазифаларига оид қилинган ишларни муҳокама этиб, келгуси режаларни белгилаб оламиз. Тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам партия аъзоларининг асосий эътиборида. Улар ўзларининг амалий ишлари билан аҳоли орасида ЎЗХДПга ишонч уйғотишмоқда. Натигада жамоада ҳам, биз хизмат кўрсатаётган ҳудудда ҳам ЎЗХДП гояларига хайрихоҳлар сафи кенгаймоқда. Ходимлар Марказий Кенгаш, шаҳар ва туман партия кенгашлари тадбирларида фаол иштирок этади. — ЎЗХДП дастурида хотин-қизларга алоҳида эътибор қаратил-



ган, — дейди **донорлар бўлими бошлиғи Мукаррам Пўлатова**. — Биз ҳам бу масалага масъулият билан қараймиз. Аёллардаги камқонлиқни ўз вақтида аниқлаш, уларнинг саломатлигини тиклаш ишлари самарали амалга оширилаяпти. ЎЗХДП гоя ва мақсадлари бевосита бизнинг фаолиятимиз билан ҳамма ҳам. Жамият ривожини, оилалар фаровонлигини оширишга ҳисса қўшиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш каби вазифалар партияимизнинг асосий мақсадларидан.

— Кўп йиллардан буён партия аъзосиман, — дейди **ягона донорлик маркази бошлиғи Акмал Ботирбеков**. — Жамоамизда унинг тарафдорлари ва хайрихоҳлари кўпчилигини ташкил этади. Ҳар йили сафимизга янги-янги аъзолар қўшилади. Ташаббускор, фаол ёшлар ҳам ЎЗХДП дастурий мақсадлари билан танишгач, партия сафида бўлишга хоҳиш билдиришаяпти.

(Давоми 2-бетда.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2012 ЙИЛ 21 ФЕВРАЛДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН ҚЙМЯТИ

1 Австралия доллари	1966,50	1 АҚШ доллари	1824,38	1 Хитой юани	289,82	1 Польша злотийси	579,17	1 Евро	2398,65
1 Англия фунт стерлинги	2896,39	1 Миср фунти	302,26	1 Россия рубли	60,82	1 СДР	2817,63	10 Жанубий Корея вони	16,24
1 Дания кронаси	324,33	1 Исландия кронаси	14,85	1 Украина гривнаси	228,40	1 Туркия лираси	1048,68	10 Япония иенаси	229,40
1 БАА дирҳами	496,77	1 Канада доллари	1839,09	1 Малайзия ринггити	604,10	1 Швейцария франки	1994,08		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олматган.



Партияларро баҳс масъулияти

ҲАЁТИЙ ТАШАББУС ЎЗ НАТИЖАСИНИ БЕРАЯПТИ

«Адолат» СДП эса бунинкор этишга уринмоқда

■ Президентимиз Ислон Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил январда бўлиб ўтган қўшма йиғилишида «...сиёсий партиялар ўз электоратини ўйлантираётган социал-иқтисодий муаммоларни янада чуқурроқ ўрганишга ва уларни ҳал этиш бўйича зарур чораларни кўришга бутун диққат-эътиборини қаратиши керак» деб алоҳида таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси давлат ва жамият қўллаб-қувватлашига эҳтиёжманд аҳоли қатлами манфаатини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган. Партия Сайловолди дастурида бу билан боғлиқ вазибалар белгиланган. Партия ташкилотлари ва депутатлар қилаётган ишларда шу мақсад акс этмоқда. ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан 2011 йил бошидан буён Марказий банк, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Микрокредитбанк» ОАТБ ва бошқа тижорат банклари билан ҳамкорликда амалга ошириб келинаётган иқтисодий форумлар партия ўз зиммасига олган масаланинг ҳаётий ечимига қаратилди.

САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИНИНГ АМАЛДАГИ ИЖРОСИ

— Бу лойиҳанинг юзага келиши ўз-ўзидан бўлгани йўқ, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Партия ташкилотларимиз жойларда доимий равишда электрот манфаати билан боғлиқ катламларни ўрганади. Экспертларимиз уларни таҳлил этиб боради. Ана шунинг натижасида биз иқтисодий форумлар лойиҳасини ишлаб чиқдик.

Бундан кўзланган асосий мақсад — давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашига муҳтож кишилар турмушини фаровонлаштиришга оз бўлса-да, ҳисса қўшмоқчимиз. Замон ўзгараяпти. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, қонунларимизнинг тобора тақомиллаштириб бораётгани кам таъминланган аҳоли қатламининг ҳам ўз ишлари бошлашига имкон беради.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётда банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишилар, кам таъминланган оилалар, жисмоний имконияти чекланган одамлар орасида ақсарийт ўз кичик бизнеси ва оилавий тадбиркорлигини йўлга қўйишга интиляпти. Айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларида бу иштиёқ кучли. Уларни қўллаб-қувватлаш ва бизнесини йўлга қўйишга қўмаклашиш нафақат уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, балки жамиятдаги бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган бошқа қўллаб масалаларни ҳам яхлит ҳал этишга хизмат қилади. Бу айнан партияимиз Сайловолди дастурида белгиланган электоратимиз манфаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ вазибаларнинг амалдаги инфо-дасидир.

Шундай экан, «Адолат» СДП вакилларининг ЎзХДП амалий фаолиятида Сайловолди дастуридан четга чиқиб, ЎзХДП позициясидан қорқмоқда, иқтисодий форумлар лойиҳаси бунга мисол деган иддаоси мутлақо асоссиз, таҳлил ва мушоаҳадага асосланмаган мантисиз хулосадир. Иқтисодий форумларнинг ижтимоий аҳамиятини тушуниб етмаган киши шундай фикрлаши мумкин. Ёки «адолат»чилар бунин атайин нотўғри талқин қилиб, жамоатчилик фикрини чаглитишга уринмоқда. Олдимиздаги вазибаларни адо этишда замонавий усуллар, янги имкониятлар, ижтимоий ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик йўлидан фойдалансак, бунинг нимаси Сайловолди дастуридан четга чиқиб бўлар экан? Бунинг алоҳида таъкидлашга ҳолис қараш керак, ҳолос.

Биз ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар фақат кредит олишига қўмаклашаётганимиз йўқ. Биринчи навбатда, уларнинг иқтисодий билимини ошириш, иқтисодий тафаккурни, тадбиркорлик кўникмаси ва мустақил иш бошлашга интилишини кучайтиришга ҳаракат қилаёямиз. Чунки, кишининг ўзида ҳаракат бўлмаса, барчаси бекфойда. Шу сабабли, «қаердан қандай нажот келар экан?», деб кўтиб ўтирмасдан, ўзи учун аввало, ўзи интилиши керак, биз уларни шунга ундаямиз.

Давлатимиз томонидан ижтимоий соҳани молиялаштириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга жуда катта эътибор қаратиляпти, албатта.

Тўғри, ХДПнинг аралашувисиз ҳам тижорат банклари кредит ажратаверади. Аммо биз айнан муҳтож кишилар оз миқдорда имтиёзли фоизларда кредит олиб, ўз ҳаётини яхшилашига кўмак бераётган бўлсак, тижорат банклари кредитларининг ижтимоий самарасини оширишга ҳисса қўшаётган бўлсак, электрот манфаатини ҳимоя қилишининг янги механизмидан фойдаланаётган бўлсак, бунинг нимаси билан «Адолат» СДП келиша олмайтми? Сайловолди дастурида улар манфаатини ҳимоя қилишга ваъдалар бериб, нега энди уларга амалий кўмак бермаслигимиз керак? «Адолат» СДП каби биз ҳам номига тадбир ўтказиб ўтирсак, бундан кимга фойда?

Форум доирасида ташкил этилган иқтисодий ўқувларни биз айнан кредит олиб иш бошлашга хоҳиши бор ва айни пайтда сертификат олаётган кишиларга мўлжаллаб ташкил этдик. Биринчидан, тижорат банкларида қандай кредит йўналишлари бор, уларни қандай қилиб олиш мумкин, бунинг учун нималар талаб этилади, Президентимиз томонидан бу борада яратиб берилаётган имкониятлар, имтиёзлар, кредит олиш шартларининг соддалашаётгани ва бошқа масалалар юзасидан батафсил тушунчалар берилди. Иккинчидан, кредитни самарали ишлатиш масалалари, қайтариш шартлари ва навбатдаги кредитни олиш учун замин тайёрлаш юзасидан иштирокчилар билан фикр алмашдик. Учинчидан эса, кишиларни ўйлантираётган саволларга малакали мутахассислар жавоб қайтарди.

ИҚТИСОДИЙ ФОРУМЛАР — ҲАМКОРЛИКДАГИ ЛОЙИҲА

— Иқтисодий форумлар бу ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган лойиҳадир, — дейди **Марказий банкнинг Кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг мутахассислари департаменти директори Ақтам Сайфуллаев**. — 2011 йил бошида партиянинг бу лойиҳасини биз астойдил қўллаб-қувватладик. Шундан сўнг бошқа партиялар ҳам мурожаат этишди. Улар билан ҳам ҳамкорликда тегишли ишларни олиб бордик. ЎзХДП ўртага ташлаган гоё айнан янги иш ўринлари ташкил этиш, ишлаб чиқариш ва сервис соҳасини ривожлантириш, вақтинча ишсиз фуқаролар, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, қўлида касби, ҳунари бор-у, аммо мустақил ишнинг ташкил этишга қийналиб юрган кишиларга кўмак беришга йўналтирилган. Бу қўпчиликка маъқул бўлди, берилаётган кредитларнинг ижтимоий аҳамиятини оширди.

Шу сабабли вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда Мустаҳкам оила йили муносабати билан «Тадбиркорлик — мустаҳкам оила пойдеворини» мавзусидаги бизнес-форумлар ташкил этилди. Биз бугунги кунда партия Марказий Кенгаши билан бирга ўтган йил давомда мамлакатимизнинг барча минтақаларида тизимли равишда ўтказилган иқтисодий форумларнинг яқинлари таҳлил этиб, лойиҳани жорий йилда ҳам давом эттираямиз. ЎзХДП Марказий Кенгаши энди форумларда жисмоний имконияти чекланган кишиларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш тақдирини илгари сурди. Сабаби — ўтган йили Тошкент шаҳрида бўлган иқтисодий форумда қўлида ҳунари, мустақил бизнес юритишга қобилияти ва интилиши бўлган жисмоний имконияти чекланган кишиларнинг 28 нафарига ўз ишини ташкил этиши учун имтиёзли микрокредитлар ажратилиши бўйича сертификатлар топширилган эди. Натижада улар ўзининг бизнесини йўлга қўйиш имкониятига эга бўлди. Партия ўз электрот манфаатини ҳимоя қилиш, банк тизими эса кредит ажратишдан кўзланган мақсад амалга ошишидан манфаатдор бўлмоқда.

Форумлар доирасида тижорат банкларининг имтиёзли микрокредитлари бўйича методик ва услубий материаллар кўрағазмалари ҳам ташкил этилди. Минглаб кишилар улар билан яқиндан танишдилар. Саволларига банкларнинг малакали мутахассисларидан жавоб олишди. Бу ерда банклар билан алоқа боғланган кишилар кейинчалик кредит олиш масаласида мурожаат этишди. Бу ҳам форумнинг амалий натижаларидан бири, албатта.

Биз бу каби ташаббусларни қўллаб-қувватлашга доим тайёرمىз.

МИКРОСАРМОЯ ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК САРИ ДАСТЛАБКИ ЙЎЛ

Лойиҳанинг ҳамкорларидан яна бири «Микрокредитбанк»дир. Форумлар доирасида имтиёзли микрокредитлар ажратиш бўйича энг кўп сертификатлар берган тижорат банки ҳам айнан шу банк ҳисобланади.

— «Микрокредитбанк» мазкур соҳани қўллаб-қувватлашга ихтисослашган республикадаги энг йирик молия муассасаси ҳисобланади, — дейди **«Микрокредитбанк» ОАТБ департаменти директори Зулфия Каримова**. — Бунда банк дастлаб иш бошладан тортиб, йирик саноат корхонасига айлангунга қадар қўллаб-қувватлайди. Эътибор бериш, бошланғич сармояни шакллантириш мустақил иш бошлашда жуда муҳим аҳамиятга эга. Халқ демократик партияси кўтарган масала бу вазифа билан ҳамоҳанг. Жаҳоннинг кўплаб компания ва корпорациялари, йирик бизнес тузилмалар ҳам фаолиятини дастлаб бошланғич сармояни шакллантиришдан бошлаган. Бизнинг банкимиз бошланғич сармояни шакллантириш учун энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баробари миқдоригача кредитни йиллик 3 фоиз ставка билан беради. ЎзХДП электротари ҳам айнан ўз ишини ташкил этиш учун бошланғич сармояга муҳтож кишилардир. Иқтисодий форумда айнан ана шу тоифани қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилгани учун банкимиз бу лойиҳани қўллаб-қувватлаб, унда ҳамкор сифатида фаол иштирок этди.

«АДОЛАТ» СДП ҲАЁТ ҲАҚИКАТИГА ҚАРШИ БОРМОҚДА...

— Бизнинг вилоятимизда 2011 йилнинг 17 июнь кунини иқтисодий форум бўлиб ўтди, — дейди **ЎзХДП Бўҳоро вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгаши депутати Саида Жўраева**. — Бу анжуманга узок вақт тайёрландик. Партия ташкилотларимиз ўз ишини бошлашни хоҳлаган, бунга қобилиятли уйда ўтирган аёллар, вақтинча ишсиз ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, қўлида касб-ҳунари бўлган кишилар, оиласи фаровонлигини таъминлаш учун курашаётган ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли вакиллари учун узок ўрганди. Очигини айтсак, уларнинг кўпчилиги банддан кредит олишга ботинмади. «Кейин қайтара оламани, фоиз тўлайман деб борбўдимдан айрилиб қолмайманми, ишим юришмай қолса, нима қиламан?..», деб иккиланишди. Биз тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб бордик. Вилоят бўйича юз нафардан ортик шундай кишилар рўйхатини тўздик. Уларга партияимизнинг фаолияти, депутатларимиз, тегишли хужжатларни тайёрлашда ёрдам берди. Марказий банкнинг вилоят боси бошқармаси, тижорат банклари билан бирга, уларнинг бизнес лойиҳаси ўрганиб чиқилди ва 60 таси истиқболли деб топилди. Форумда яна шу 60 киши сертификат олди. Қолганларга керакли маблағ тақририди. Бугунги кунда уларнинг аксарияти ўз ишини бошлади.

Мана, ҳаётнинг ўзи кўрсатаяптики, бу лойиҳа айнан партияимизнинг Сайловолди дастурида белгиланган вазибаларни бевосита амалга оширишга хизмат қилмоқда. Бунинг билли-билмай, чуқур ўйламай инкор этиш ақлдан эмас.

Дарҳақиқат, шундай. Иқтисодий форумларда электоратимиз манфаатини таъминлашда қанчалик катта аҳамият касб этганини бугун ҳал қўрсатиб турибди. **Форумларда 6000 дан ортик киши иштирок этди. ЎзХДП ташкилотларининг бевосита кўмаги билан 700 нафарга яқин ўз бизнес-режаси, мақсадли лойиҳасига эга кишига имтиёзли микрокредит учун сертификат топширилди. Ҳозиргача уларнинг 500 нафарга яқини кредит олиб, ўз лойиҳасини амалга оширишга киришди. Натижада 1400 га яқин янги иш ўрни очилди.**

РЎЗГОРИМГА БАРАКА КИРДИ

— Туман Кенгаши депутати Зебо Ёдгоровва маҳалламизда учрашув ўтказиб, бизнес юритишга қобилияти, истаги бор кишиларга банддан кредит олиб, ўз ишини йўлга қўйишга партия ташкилотлари қўмаклашишини айтди, — дейди **Бўҳа туманининг Жағалбайли маҳалласида истиқомат қилувчи Мавлуда Раҳимова**. — Биз йўлаб юрган режаларимизни айтдик ва у кишининг ёрдами, кўрсатган йўл-йўриғи билан ҳужжат тайёрлаб банкка топширдик. Зебо опа биз учун елиб-югурди. Натижада ўтган йили Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан Қўрай туманида ўтказилган иқти-

содий форумда қатнашиб, чорвачиликни ривожлантириш бўйича лойиҳам учун сертификат олдим. Биргина бизнинг маҳалладан беш нафар аёл шундай сертификатни қўлга киритди. Ҳозир уларнинг барчаси ўз ишини бошлаган.

Президентимиз тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш учун жуда катта шароит яратиб берапти. Аммо бу имкониятдан фойдаланишга келганда айрим кишилар бироз чўчиди, иккиланади. Ўзимда ҳам шундай бўлган. Мана, ўз вақтида кўрсатилган ёрдам бугун ўз натижасини берапти. ХДП фаоллари, депутатларимиз миннатдорман.

ХУНАРИНД ЭДИМ, МУСТАҚИЛ ИШ БОШЛАДМ

— Мен зардўзлик билан шугулланар эдим, — дейди **Анджон шаҳрида истиқомат қилувчи Дилором Абдусатторова**. — Кейин бу соҳада ишимни кенгайтириш нияти туғилди. Аммо кимга мурожаат қилишни билмасдим. Халқ демократик партияси фаоллари менга ўхшаш кишиларга ёрдам бераётганини эшитиб, уларга мурожаат қилдим. Ўтган йили апрелда шаҳримизда бўлган форумда менга сертификат беришди. Ажратилган кредит ёзвизига зардўзликда фойдаланиладиган учта тикув машинаси сотиб олдим. Бу қўп меҳнатини анча енгиллаштирди. Яна тўрт нафар қизни ишга қабул қилдим. Ҳозир улар ойига 450 минг сўм маош олапти. Охириги бир йилда уч нафар шогирдим мустақил иш бошлади.

Кредитни уч йил муддатга олган эдим. Аммо вақти келишини кутмасдан, шу йил ёзгача уни тўлик қайтариш ҳаракатидаман. Кейин яна имтиёзли кредит олиб, ишни кенгайтираман.

ОИЛАВИЙ БИЗНЕС — ОИЛА ФАРОВОНЛИГИ

— Декабрь ойининг охирида Нукус шаҳрида бўлиб ўтган иқтисодий форумда мен паррандачиликни ривожлантиришга доир лойиҳам учун банкнинг сертификатини олган эдим, — дейди **Амударё туманининг Воҳим овулида яшовчи Отабех Собиров**. — Шунга асосан, банкнинг имтиёзли кредитлаш маҳсул жамғармасидан йиллик 6 фоиз ставкаси билан икки йил муддатга 15 миллион сўм кредит ажратилди. Оиламиз катта. Ака-укалар бир бўлиб, «Матинязова Ёқут» масъулияти чекланган жамият ташкил этдик. Ҳозир унда оиламиздан 6 киши иш билан банд.

Оиламиз фаровонлигини таъминлаш йўлида бевараз ёрдам кўрсатган Ўзбекистон Халқ демократик партияси фаоллари ҳозир ҳам ишимиз қандай бораётгани билан қизиқиб турибди.

ИШГА МАРҲАМАТ!

Иқтисодий форумлар лойиҳасининг яна бир ҳамкори Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидир. Форумлар доирасида жойларда бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказди. Уларда 2500 дан ортик киши ишга жойлашиш учун йўналма олди. Касана-чилар, ҳунармандлар, оилавий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар кўрағазмасида эса ёшлар, электротартизмнинг юзлаб бошқа вакиллари ўз ишининг ушлаб олишда тарғибот ўрганишди. Касб-ҳунар коллежларининг қўллаб битирувчилари уларга шогирд тушишди.

ЎзХДП аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами ижтимоий ҳимоясини тўла давлат бюджетига юклар тарафдорли эмас. Манзилли ижтимоий ҳимоя жамиятда асло боқимандалик кайфиятини келтириб чиқармаслиги керак. Қўлидан иш келадиган ҳар бир киши ўз иқтидорини рўёбга чиқариб, ўзи ва оиласи фаровонлиги учун курашиши зарур. Бунда партия ташкилотлари уларга кўмак беришга интиляпти ва шу орқали ЎзХДПнинг Сайловолди дастурини амалга оширмоқда. Биров қилган ишни ўзлаштирмасдан, ўзимиз учун ўзимиз ишлашга бизнинг кучимиз ҳам, имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли.

«Адолат» СДП 2009 йилги сайловлардан кейинги фаолиятида ҳам амалий жиҳатдан арзирли натижага эришолмаяпти. Тадбирозликдан нарига ўтолмаяпти. Бунинг яшириш учун ЎзХДПнинг ўз электротари манфаатини кўзлаган ва ҳаётда яхши самара бераётган лойиҳаларини йўққа чиқаришга интиляпти. Бу — партиялараро соғлом рақобат эмаслиги кундай равшан. «Адолат» партияси ЎзХДПнинг самарали лойиҳаларига ўзининг муқобил лойиҳаси билан рақобатлашиш ўрнига жамиятга ҳеч қандай фойдаси тегмайидган йўлни танлади.

Аслида, партиялар ўртасидаги баҳс-мунозаралар жиддий, малакали ва амалий негизда олиб борилиши даркор. Сиёсий баҳс жамиятдаги муайян муаммоларни ҳал этиш, электрот манфаатини ҳимоялаш, ижро ҳокимияти органлари эътиборини долзарб ижтимоий масалаларга қаратиш, ҳаётимизни янада фаровонлаштиришга хизмат қилиши лозим. Шунда ҳар қайси партиянинг ҳаётли ва дастурий вазибалари жоғалга муваффақиятли таъдиқ этилади, бундан одамлар фойда кўради.

Бехзод ШУКУРОВ

ЎзХДП: Бошланғич ташкилот — асосий таянч

ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ЖИПСЛИГИ

қуйи бўеин мустаҳкамлигини таъминлайди

Аҳолининг тиббий маданиятини оширишда партияимиз бошланғич ташкилотининг алоҳида ўрни бор. Партия фаоллари аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида турли тадбир ва учрашувлар уюштираяпти. Маҳалла фуқаролар йиғини раислари, туман тиббиёт бирлашмаси, хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда маҳаллаларда, ўқув муассасаларида ўтказиладиган бундай тадбирларда

ЎзХДП туман кенгаши фаоллари ҳам мунтазам иштирок этиб келади. Бошланғич ташкилотимиз ташаббусини туман партия кенгаши доимо қўллаб-қувватлайди, рағбатлантиради. Бу эса унинг сафидаги ҳар бир инсонни янада фаолликка ундайди.

Эл орасида обрў топиш, ҳурмат ва ишончга сазовор бўлиш осон эмас. Бунинг сақлаб қолиш эса ундан ҳам мушкул. Масъулиятни ҳис қилган, ишончли оқлай билган мана шундай инсонлар партиянинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Гулрўх ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

КОНЦЕПЦИЯ ТАЛАБЛАРИ

мезонга айланиши керак

■ Маълумки, Президентимиз илгари сурган Концепция асосида Конституцияимизга киритилган ўзгартишга мувофиқ, парламентга ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини олиб бориш ваколати берилди. Бу — парламент, хусусан, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини тизимли ташкил қилиши, қонун ижодкорлигида ҳаётийликни таъминлаш, қабул қилинган қонунлар ижросини изчил назорат-таҳлил қилиб бориши керак, деган маъно англатади. Ҳўш, Қонунчилик палатаси депутатлари шу талаблар даражасида фаолият юритаётми?

Ушбу масала бўйича Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари кўмитаси аъзоси Дилбар ХОЛИҚОВАнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.



Дилбар ХОЛИҚОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзХДП фракцияси аъзоси

— Қонунчилик палатаси олдига турган бугунги энг муҳим вазифалардан бири — Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган қонунчилик ташаббусларини талаб даражасида амалга оширишдан иборат. Шу боис, кўмита Концепцияда илгари сурилган ва бевосита ўзига тааллуқли бўлган ташаббус ва ғояларни рўёбга чиқариш юзасидан 2011 ва кейинги йилларга мўлжалланган ҳаракат дастури асосида фаолият олиб бормоқда.

Жамият ривожига хизмат қиладиган бир қанча омиллар бор. Шулардан бири ахборот ва фикр алмашувининг самарали йўлга қўйилиши, десак, хато бўлмапти. Шу маънода, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларидан кенгрок фойдаланишини таъминлаш, бу борада Президентимиз илгари сурган қонунчилик ташаббусларини ҳаётга татбиқ этиш муҳим ҳаётий аҳамиятга эга.

Бундан оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинлиги ва молиявий мустақиллигини мустаҳкамлаш, соҳага замонавий бозор муносабатларини ҳамда илгор технологияларни жорий қилиш, бунинг учун ҳуқуқий асос яратиш етакчи ўрин тутди. Шу мақсадда кўмитамиз ўтган йили 7 та қонун лойиҳаси устида иш олиб борди. Жумладан, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тайёрланиб, палатага киритилди ва тегишли тартибда қабул қилинди.

Айтиш ўринлики, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар давлат ва жамият қурилишида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни, телекоммуникация тармоқининг миллий сигимини ривожлантириш, шунингдек, тизимда интегратив хизматлар кўпайишини қафолатлайди.

Ўтган йили қабул қилинган яна бир ҳужжат — «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Қонундир. Мазкур Қонун ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг ҳуқуқий асослари, меъёр ва талабларини белгилаб бергани билан кўпийматли. Бугун одамларда фикрлашнинг ривожлантириш, маънавиятни бойитиш, тарихий-маданий меросдан, илгор илмий имкониятдан унумли фойдаланиш, бу борада аҳолига қўлай шароит яратиш, сифатли хизмат кўрсатиш лозим. Бунда ахборот-кутубхона хизмати ривожига ғоятда муҳим. Қонун шу эзу мақсада хизмат қилади.

Қонун лойиҳалари устида ишлаш жараёнида мутасадди вазирлик ва ташкилот вакиллари, тегишли соҳа ва фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари, қолаверса, оммавий ахборот воситалари ходимлари фаол иштирок этиши унинг ҳаётий аҳамиятини кўпийтиради. Кўмита бунга алоҳида эътибор қаратапти. Чунки ҳар бир қонун лойиҳаси пишиқ-пухта ишланиши, тизимдаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қамраб олиши унинг умрбор кийилгига зори яратди. Қолаверса, ундан, маъно-мазмундан жамоатчилик

яхши хабардор бўлиши керак. Шунда қабул қилинаётган қонунлар ҳуқуқий муаммоларни бартараф этди, тегишли соҳа ривожини учин йўл очди.

Концепцияда тақлиф этилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги, «Телерадиошўхиртириллар тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги ва «Оммавий ахборот воситаларининг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлашда ҳам кўмита шу тамойилга асосланади.

Парламентга берилган ваколат асосида ижро ҳокимияти тузилмалари фаолияти юзасидан мутасадди раҳбарлар ҳисоботини тинглаш, шу асосда ютуқларни мустаҳкамлаш, камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш қўмита фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда.

Ахборот ва коммуникация тизимига оид қонунлар ижросини ҳудудлар ва тармоқлар бўйича ўрганиш, шу орқали аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиб зарур. Шу ўринда айтиш жоизки, парламент назорат-таҳлили қимингидир фаолиятига баҳо бериш, унинг ишини тафтиш қилиш эмас. Мақсад — жамиятда қонун устувор бўлишига эришиш, ижро механизмини тақомиллаштириш, қонунларга ҳаёт талаб этгээтган, тараққийт учун йўл очадиган ўзгартиш ва кўшимчаларни киритишдан иборат. Фуқаролар унга таяниб яшасин, шунда келажакда ишонч мустаҳкам бўлади. Ҳар ким ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун курашади.

Аммо бу борадаги фаолиятимиз хали талаб даражасида эмас. Хусусан, маҳаллий ҳокимликлар, қорхона-ташкilotлар билан ҳамкорликни қучайтиришда, назорат-таҳлил ишини қатъий олий боришда камчиликлар кўп. Уни бартараф этиб, билдирилган ишончга муносиб ҳаракат қилишимиз зарур. Қонунчилик палатаси ҳудудлар ва тармоқлар бўйича қонунлар ижросини ўрганади, хато-камчиликларни бартараф этишни кўзлаб, тавсия беради. Тақлиф ва тавсия ҳар томонлама асосли ва тасвирчан бўлса, мутас

Биздан овоз ва обод Ватан қолсин!

ПРЕЗИДЕНТ ОРЗУСИДАГИ ҚИШЛОҚ УЙЛАРИ

Ўзбекистонда қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлашнинг жаҳон тажрибасида кузатилмаган янги модели яратилди.

Ўзбекистон тарихий мезонларга кўра қисқа муддат бўлган 15-20 йил давомида бизнинг бош мақсадимиз — дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш ва мамлакатимиз аҳолиси учун муносиб ҳаёт шароити ва сифатини яратиш йўлида гоёт улкан қадам қўйди, деб айтишга барча асосларимиз бор. Ва бу билан биз ҳақли равишда фахрланамиз.

Ислом КАРИМОВ

Ўтмиш ўқинчлари

Қишлоқда туғилганман. Мактабни тугатиб, олий ўқув юртига ўқишга кирганимдан сўнг шаҳарлардаги ҳаётим бошланди. Ушанда биринчи марта менда таққослаш имконияти пайдо бўлган. Бундан 25 йиллар олдин шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги фарқ ер билан осмонча эди. Тўғриси, жуда ўқинганман...

Болалигимда тонги ширин уйқудан онаминг куймаланишлари уйғотиб юборарди. Биз оиланинг барча аъзолари эрталабдан куриллаётган иморатимиз устасини кутиб олишга шайланардик. Уста деганлари нонуш-тадан бошлаб то чекки оватгача уйимизда бўларди. Ота-онам мактабда ўқитувчи бўлиб ишласа-да, тўрт хона уйнинг қурилишига 15 йилдан ортиқроқ вақт кетганди. Лекин барибир охирига етолмаганмиз.

Бугун уйлаб кўрсам, ўша иморат нафақат катталарнинг, балки биз болаларнинг ҳам ҳаётимиздаги энг яхши дамларни ўғирлаб олган экан. Шу боис «Иморат қураганман», деган одамни кўрсам, унга ачиниб билан қарашга одатландим. Уша даврларда бутун бир авлодларнинг умри уй қуриш ташвиши ва машаққати билан ўтгани аччиқ ҳақиқат.

Томи шиферланмаган, қишлоқ уйлари... Уч ой ёздан ташқари бошқа фаслларда юз берадиган ёгингарчиликларда, ҳамма юрагини ҳовчунлаб ўтирарди. Нима бўлса ҳам чакка ўтмасин. Қиши билан томдаги қорни кўраш болаларнинг зиммасида эди. Ёз келиши билан қишлоқ одамлари галма-галдан ҳашар қилишарди. Унга ҳамма йиғилиб келар, сомонли лой билан қалин қилиб, уйнинг томини сувашарди. Лекин ёгингарчилик пайтида барибир сув ўтиб кетарди. Ҳатто ёмғир, қор кўп ёққан йиллари, том оғирлашиб тўсинлар синиб кетган пайтлар ҳам бўлган. Пахсадан, хом гиштдан қурилган чочор уйда яшаган одамнинг руҳияти ҳам шунга яраша бўлади...

Уша замонларда пишиқ гиштдан уй қуришни ҳаёлингизга ҳам келтира олмадингиз. Мабоодо кимдир шунга жазм этса, унинг бошига бало-қазорлар ёғиларди. 1980 йилда қишлоғимизга табиий газ келганини эслаймман. Ушанда пишиқ гишт ва печка қуришга ихозат олиш учун онам райисполкомга борганлар...

Ватан қаердан бошланади?

2011 йил 30 сентябрь. Наманган тумани, «Хонобод» қишлоғи, «Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги» номли кўнанинг 1-уйида яшовчи Зокиржон Ғозиевлар хонадонига Президент Ислом Каримов ташриф буюрди.

Наманган вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишишни Юртбошимиз айнан мана шу уйдан, аниқроғи намунавий лойиҳа асосида қурилган уйлардан, қишлоқ одамларининг турмуш шароити билан танишишдан бошлади.

— Ҳали-ҳали ҳажжоним босилгани йўқ. Қўни-қўшиллар, қариндош-уруғлар «Уйингизнинг остонаси тиллодан» дейишди. Бунинг сабаби, хонадонимизга Президентимизнинг келгани, албатта, — дейди Мухайёхон ҒОЗИЕВА. — Тоғ-тоғ ташвишлардан ортиб, қишлоқда яшаётганларни ҳолидан хабар олиш, намунавий лойиҳа асосида қурилган уйларда яратилган шарт-шароитларни ўз кўзи билан кўриш, иморатнинг ҳамма таъминоти эътибор қаратганларидан, тўғриси, жуда тўқинланиб кетдим.

Президентимиз мана бу креслода ўтириб биз билан суҳбатлашди. Мана бу китобни кўларига олиб кўрганлар... Юртбошимиз нафақат уй ҳақида балки оиламиз, фарзандларимиз ҳақида ҳам сўрадилар. Болаларимни компьютер техникасини қай

даражада билиши, чет тили курсига қатнаётгани билан қизикдилар.

Бир соатлик суҳбатимиз давомида фарқини сўрадилар. «Уй ёқими, маъқул тушдими?», — дедилар. Ҳамма хоналарни алоҳида-алоҳида кўриб, айланаб чиқдилар. Болалар хонасидаги китоб жавонини кўздан кечириб, китобнинг фарзандларимиз тарбиясида тутган ўрни ҳақида гапирдилар. Буларни қайнотам Азамат Ғозиев олиб берганини, улар мактабда директор бўлиб ишлаганини, ҳозир пенсияда эканини айтгандим, «Зиёли одамларнинг авлоди эканисизлар», — дедилар. Ташқаридаги айвонни кўриб, қурувчиларга «Мен сизларга айтган айвон мана шу. Бу уйга меҳмонга келган кексалар стол-стуллардан кўра, айвондаги сўрида, ўтиришни хоҳлашди», — дедилар. «Томорқага нима эканисизлар?», — деб ҳам сўрадилар. Уша пайтда кўк нухат экандик. У киши «Дарахлардан ҳам кўра рўзгорга кетадиган махсулотлар эканиса, яхши бўлади», — дедилар.

Яна уйнинг тўловлари билан қизикдилар. Уй 72 миллионга баҳоланган бўлиб, 23 миллион тўлаганмиз, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Наманган вилоят минтақавий филиалидан 15 йилга 49 миллион сўм кредит олганимизни айтдим. «Тўй қилиб, қақирсанглар, албатта, келаман», — дедилар. Хайрлашиб дарвозадан чиққач, «Бир нима ёддан кутарилибди», — деб қайтиб кириб, биз билан эсдалик учун суратга тушдилар.

Бугун қишлоқларимиз кўрқига кўрк қўшган бу уйлари одамлар гурури билан «Президент уйлари» деб аташмоқда...

Онаси билан бўлиб ўтган суҳбатимизни тинглаб ўтирган Мадинадан ўқишлари, қизиклишлари ҳақида сўрадик.

— 3-синфда ўқийман, — дейди Мадина Азаматова. — Уйимиз жуда чиройли. Мактабимиз ҳам зўр, кўчаларимиз, шаҳримиз ҳам чиройли. Бобом менга доимо «Мана шундай уйда яшаётган, барча шароитлар муҳайё қилинган мактабда ўқиётган болалар фақат аъло баҳо олиши керак», — дейдилар. Биласизми? Бизнинг мактабимизни ҳам, уйимизни ҳам Президентимиз кўриб берганлар. Бунинг учун у кишига раҳмат.

Мен уйдаги — компьютеримда Президентимизга хат ёзмақчиман. Ҳамма у кишидан хурсанд эканлигини айтмоқчиман. Мана кундалигимни кўринг, баҳоларим беш...

— Ёшим 70 га яқинлашди. Очиғини айтсам, уй қуришнинг қийинлигини мендан сўраган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳабибулло Тўрғунов. — Қурилиш материалларини топ, олиб келишга матна қидир, устанинг қош-қовоғига қара, унга ёрдамчи топиб бер, овқат пишир... Лекин ҳар бир одамга уй керак. Мана шу машаққатларни бошимиздан кечиршига мажбур эдик. Шунинг учун ҳам болаларим, набираларим қўйналмасин деб, 2009 йилда қурилган уйлардан биттасини мен ҳам олдим. Бу уйлари арзонлигини, имтиёзларини айтмайсизми?

Одамлар ўртасида уйлар талаш бўлаётти. Шундай эшикдан кирасизу, яшайверасиз. Битта миҳ қоқишга ҳам ҳожаат йўқ. Бунақа шинам қурилган, уйни кўрмаганман. Бу уйларда яшаётган ҳар бир одам ҳаётини рози...

— Қишлоққа, қишлоқ одамларига кўрсатилаётган бу эътибор, гаумҳўрлик ҳеч қайси замонда бўлмаган. 2009 йилда биринчи қурилган уйлардан олганман. Бу уйлари қурилиши аҳоли учун жуда катта қулайлик



Суратда: Зокиржон Ғозиевлар оиласи.

бўлди. Нарҳининг арзонлигини айтмайсизми? Президентимиз қишлоқ халқи бой бўлсин, ҳеч кимдан кам бўлмасин, деб бу уйлари кўриб бердилар, — дейди **тадбиркор Абдусами Ҳайдаров**. — Юртимиздаги тинчлик учун ҳам Президентимизга миннатдорлик билдираман. Биз фақат ўз оиламизни ўйласак, у киши салкам 30 миллион одамлар учун қайгуради. Ҳозир бир кишидан озгина қарзинг бўлса, ҳаловатинг йўқолади. Мабоодо эртага зарур бўлиб сўраб қолса, қандай топиб бераман деб. Давлат эса бизга 15 йилга қарз бераётти. Яна кўплаб имтиёзлар ҳам бор...

Абдусами ака юракдаги бор гапини тўкиб солди. Унинг ҳар бир сўзида самимий меҳр сезилиб турарди. У яхши ниятлар билан олган уйда оиласи билан тинч-тотув яшмоқда. Бундан бир ярим йил олдин бу оилада ўғил набира дунёга келди. Бобоси унга Ислом деб исм қўйди.

Ватан қаердан бошланади? Аввало уйимиздан, қишлоғимиздан. Кўз олдида яна болалигим гавдаланади. Ушанда кўшни қишлоқдаги ўғил момониз хонадонига бориб ўйнардик. Кеч киришига яқин қаттиққўл момонизнинг ҳукми янгарди: «Қани энди ҳамма ўз Ватанига борсин». Бизни эса ўйиндан узилгимиз келмасди. Ушанда биринчи марта Ватан ўз уйимиз, ўз остонамиз, ўз қишлоғимиз эканлигига ишонганман.

Экспертларимиз шарҳи

Президент Ислом Каримов Вазиран Маҳкамасининг йиғилишида «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан унинг ўз маблағлари ва Осие тараққиёт банкнинг заём маблағлари ҳисобидан намунавий лойиҳалар асосида яқна тартибдаги уй-жойларни қуриш учун кредитлар қишлоқ аҳолисига 15 йил муддатга йиллик 7 фоизли ставка бўйича берилётганини, бу эса тижорат банкларининг ипотека кредитлари ставкасидан қарий икки баробар паст бўлиб, моҳият эътибори билан қишлоқда яшаётган оилаларга катта имтиёз ва имконият яратиб беришга қаратилганини алоҳида таъкидлади.

Баҳриддин БЕРДИЁРОВ, Банк-моллия академияси доценти:

— «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ томонидан ажратилаётган кредитларнинг қулайлиги шундаки, унда қишлоқ аҳолисининг кредитни қайтариш имконияти тўлиқ ҳисобга олинган. Тараққиёт этган мамлакатларда ипотека кредитлари Марказий банклар қайта молиялаш ставкасидан бир неча марта юқори фойзаларда ажратилади.

Масалан, АҚШда қайта молиялаш ставкаси йиллик 0,25 фойз бўлса тижорат банклари томонидан ажрати-

лаётган ипотека кредитларининг фойз ставкаси йиллик 3,45 фоизни, Россияда эса қайта молиялаш ставкаси 8,0 фоизни ташкил қилса-да, ипотека кредитларининг фойз ставкаси 12,0 фоизни, Германияда эса қайта молиялаш ставкаси 1,0 фоизни ипотека кредитларининг фойз ставкаси эса, 3,5 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистондаги ҳолат эса жаҳон тажрибасида умуман кузатилмаган. Бунда бош мақсад қишлоқ аҳолисини ижтимоий муҳофаза қилишдир.

Назарали НОРБОВЕВ, Давлат солиқ қўмитаси бошқарма бошлиғи:

— Қишлоқларимизда намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қурилиши қўламини кенгайтириш, қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида, бир қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар жорий этилди.

Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонининг 4-банди қишлоқ жойларда «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБ кредитлари ҳисобидан яқна тартибда иморат қурувчиларга нисбатан ҳам табиий этилмоқда.

Мазкур норма Солиқ кодексининг 179-моддаси 30-бандига киритилиб, унга қўра, жисмоний шахсларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБдан яқна тартибда уй-жой қуриш учун олинган ипотека кредитлари ҳақида улар бўйича ҳисобланган фойзаларни қоплаш учун йўналтирилган суммасига солиқ солинамаслиги белгилаб қўйилди.

Агар жисмоний шахс намунавий лойиҳа бўйича уй-жой қуриш учун 30 миллион сўм ипотека кредити расмийлаштирса унга кредит олти ойдан иборат имтиёзли давр билан 15 йил муддатга, йиллик 7 фоиз тўлаш шарти билан берилди.

Жисмоний шахс томонидан олинган кредит ва бўйича ҳисобланган фойзаларни қоплаш учун тўловлар бир ойга 317,0 минг сўмини ташкил этади.

Жисмоний шахсга 2012 йил январь ойда 600,0 минг сўм иш ҳақи ҳисобланади ва иш берувчи — корхона унинг аризасига асосан кредит ва бўйича ҳисобланган фойзаларни қоплаш учун банкка 317,0 минг сўм ўтказиб берди.

Ушбу ҳолатда, жисмоний шахснинг солиқ солинадиган даромади 317,0 минг сўмга камайтирилади ва қолган 283,0 минг сўмидан даромад солиғи ушланади. Ҳа, имтиёз қўлланилмаганда жисмоний шахс 600,0 минг сўм даромаддан 74,0 минг сўм даромад солиғи тўлаши лозим бўлса, мазкур имтиёз натижада жисмоний шахсдан олиннадиган даромад солиғи суммаси 25,5 минг сўмини ташкил қилади ёки у 48,5 минг сўмга даромад солиғини кам тўлайди.

Мухаммад АҲМЕДОВ, Тошкент архитектура-қурилиш институти, архитектура факультети декани, профессор:

— Ўзбекистон аҳолисининг жуда катта қисми қишлоқларда яшайди. Шу боис ҳам Президентимиз томонидан қишлоқларда бошланган уй-жой ислоҳоти жуда муҳим аҳамиятга эга. Солиқ иттифоқ даврида, қишлоқда қуриладиган хусусий уй-жойларга умуман эътибор йўқ эди. Уй-

лар пала-партишлик билан тикланган. Уларнинг на тартиби, на лойиҳаси, бўлмасди. Ҳатто айрим ҳовлиларнинг дарвозаси ҳам йўқ эди.

Президентимизнинг яқна тартибда уй-жойлар қуриш тўғрисидаги қарори чиққач, ярмарка ўтказилиб, унда кўплаб лойиҳалар намоиш этилди.

Мамлакатимиз раҳбарининг ғояси асосида 3 хил лойиҳа ишлаб чиқилди. Булар 3, 4 ва 5 хонали уйлар бўлиб, умумий майдони 6 сотиқ қилиб белгиланди.

Ушбу уйлари лойиҳаларини тайёрлашда урф-одатларимиз ва замонавий архитектура талаблари тўлиқ ҳисобга олинган.

Бир қурувчи олим сифатида шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, мазкур ислоҳот туфайли қишлоқларимиз ҳам шаҳарларимиздан қилинмайдиган инфратузилмага эга бўлди.

Мухиддин Умаров, меъморчилик фанлари номзоди, доцент:

— Бу уйларда, аввало, замонавийлик ва шинамлик, шунингдек, инженер-коммуникация тармоқлари тўлиқ ҳисобга олинган. Бундан ташқари, ичимлик суви, электр энергия ва газ билан таъминланмоқда, қўчалар асфальт қилинмоқда.

Янги уй-жойлар қурилган ҳудудларда болалар боғчаси, мактаб, коллеж, озик-овқат ва ҳўжалик моллари дўконлари, дорихона, машиини хизмат кўрсатиш объектлари, умуман олганда, одамлар учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиш кўзда тутилган. Бу ишларнинг барчаси ҳудудни меъёрий режалаштиришни ташкиллаштириш асосида амалга оширилмоқда.

Шунингдек, мазкур ислохотларда мамлакатимиз қишлоқларининг 20 йиллик истиқболи ҳисобга олинган. Келажақда бу борадаги ишларга илмий ёндашшни янада такомиллаштириш мазкур тарихий лойиҳани ҳаётга табиқ этиш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан Тошкент архитектура-қурилиш институтининг архитектура факультетида «Қишлоқ жойлари ҳудудларини архитектуравий режалаштириш» янги таълим йўналиши очилди...

Тўғриси тани олиб айтиш керакки, уч йилдан бери мамлакатимиз қишлоқларида бунёд этилаётган уйлар ҳақида етарли маълумотга эга эмас эканман. Бу уйлари ўз кўзим ила кўрганымдан сўнг, соҳа мутахассислари шарҳини эшитганимдан кейин мен намунавий лойиҳа асосида қурилатган қишлоқ уйлари тартиб-ҳисобга айландим.

Қишлоқдошларимга мана шу уйлардан олишни маслаҳат бердим. Қолаверса, ўзим ҳам уй қуриш ҳақидаги 3-4 йиллик режамдан воз кечиб, қишлоқ уйларида бирини олишни ният қилдим.

Фаррух ҲАМРОЕВ



Хориж

ХОРИЖИЙ СЕРИАЛЛАР

намоиши қисқартурилади



Хитойнинг радио ва телевидение бўйича давлат бошқармаси (SARFT) мамлакатда одамларнинг телевизор кўришига энг мақбул бўлган вақти — кеч соат 19.30 дан 22.00 гача хорижий сериаллар намоишини тақиқлади. Шунингдек, 50 қисмдан ортиқ сериал ҳам энди телевидение орқали намоиш қилинмайди. Хорижий шоуларнинг эфирга узатилиши кунлик эфир вақтининг чорак қисмидан ортиб кетмаслиги шарт.

«China Daily» газетаси хабарига қараганда, бундай чора белгила-нишдан мақсад намоиш этила-диган хорижий сериаллар ва шоу-ларнинг мазмун-моҳияти ва мақсадини назарда тутган ҳолда улар-нинг юксак савияда тайёрланган-нига алоҳида эътибор қаратиш-дир. Шу билан бирга, Хитой сериаллари савиясини янада кўта-риш ва ривожлантириш ҳам мақсад-муддаолардан биридир.

Яна бир таъкид шуки, Хитой-нинг радио ва телевидение бўйича давлат бошқармаси ўтган йил октябр охирида турли кўнгилочар кўрсатувлар намоишини уч баравар қисқартирди, жорий йил-нинг январидан эса сериал на-моиши пайтида реклама бериш тақиқланди.

ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ

сабабли нобуд бўлиш кўпайган

Россия йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат инспекцияси сайти-да эълон қилинган маълумотлар-га қараганда, ўтган йили мамла-катда 199 минг 868 та йўл-тран-спорт ҳодисаси содир бўлган. Бу 2010 йилдаги кўрсаткичдан 0,2 фойзага кўпдир. Ушбу ҳодисалар оқибатида 27 минг 953 киши ҳаётдан бевақт кўз юмган. Бу ра-қам ҳам 2010 йилга қайданоми-лардан 5,2 фойзага кўпайганига мамлакат маъмуриятини таш-вишга солиб қўйди.

Ўтган йили айнан йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида турли дара-жада тан жароҳати олганлар сони 251 минг 848 кишини ташкил эт-гани ва бу 2010 йилдаги кўрсаткич-дан 0,5 фойз ортгани ҳам ачарли-дир.

Сайтда эълон қилинган маълумот-номада яна шу нарса таъкидланган-ки, ўтган йили Россия йўлларида умумий ҳисобда 57,2 миллионга кўйла бузиш ҳолатлари расмий қайд этилган. Бу қонда бузишларнинг асосий қисми — 51,3 миллионтаси транспорт ҳайдовчилари томонидан содир қилинган. 4,7 миллионга қонда бузиш ҳолатини тасо пиде-лар содир этган.

Агар рақамлар таққосланганидан бўлса, 2010 йилда йўл-транспорт ҳодисалари 2009 йилга нисбатан бироз кам содир бўлганлигини кўриш мумкин. Яъни 2010 йилда 199 минг 431 та йўл ҳодисаси қайд этил-ган бўлиб, бу 2009 йилдаги қара-ганда 2,1 фойзага кам эди. Кишилар ўлими эса 26 минг 567 тани, турли даражада тан жароҳати олганлар сони эса 205 минг 635 тани ташкил этган. Бу 2009 йилга нисбатан 3,9 фойз ва 1,9 фойз камдир.

2050 ЙИЛДАН КЕЙИН

балиқчилик соҳаси...



Халқаро табиати муҳофаза қилиш уюшмаси (IUCN) прези-денти Ашок Хосланинг баён эти-шича, 2050 йилдан кейин дунё балиқчилик соҳаси ўз фа-олиятини тўхтатишга мажбур бўлади. Негаки, дунё океан ва денгизларидаги балиқ ресурслари тугаб бўлади. Уюшма раиси жорий йилнинг 9 февралда Москвада журналистлар билан бўлган учрашувда бу ҳақда маълум қилди, дея хабар беради «Новости» АА.

БМТнинг озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги ташкилоти маълумотлари-да қайд этилишича, дунё бўйича балиқ ови энг ривожланган давр XX асрнинг бошларига тўғри келган. 1950 йилдан 1975 йилгача балиқ ови 15 фойзага тушиб кетган. Афсуски, бу соҳада пасайиш хануз давом эт-моқда.

